



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 ОКТЫАВР  
**№33**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-1**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Rajabboyev Botirjon Odil o'g'li, Abdupattayev Abduqaxxor Abduvoxid o'g'li, Numonov Fayzulla Nurmuhhammadjon o'g'li</b>	
HOZIRGI KUNDA SAYLOV TIZIMINI VAZIFASI. SAYLASH TARTIBI. O'ZBEKISTONDA SAYLOV TIZIMINING O'RNI.	7
<b>2. Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли</b>	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	10
<b>3. Файзиев Олим</b>	
ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ	14
<b>4. Эргашев Икром Абдурасулович</b>	
СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ	18



## ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### HOZIRGI KUNDA SAYLOV TIZIMINI VAZIFASI. SAYLASH TARTIBI. O'ZBEKISTONDA SAYLOV TIZIMINING O'RNI.

**Rajabboyev Botirjon Odil o'g'li**

Rajabboyevbotirjon31@gmail.com, +998935120831

**Abdupattayev Abduqaxxon Abduvoxid o'g'li**

Abduqaxxon0606@gmail.com, +998905891232

**Numonov Fayzulla Nurmuhammadjon o'g'li**

Fayzullonumonov07@gmail.com, +998973371008

Qo'qon universiteti, Iqtisodiyot yo'nalishi talabalari.

**Anotatsiya.** Ushbu maqola, saylov tizimi va undagi muammolar, yechimlarni, O'zbekistonda saylov tizimi qay darajada muakammal tuzilganligini yoritib beradi.

**Kalit so'zlar.** Saylov, Saylov tizimi, demokratiya, demokrativ davlat, partiyalar, ovoz berish jarayoni.

**Saylov** — ovoz berish orqali davlat organlari, mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlari va boshqa tuzilmalarni tashkil etish vositasi. Fuqarolarning o'z saylov huquqini amalga oshirishi — ularning davlatni boshqarishda ishtirok etishining eng muhim shakllaridan biri. Saylov o'tkazish tartibi va qoidalari, odatda, qar bir davlatning konstitutsiyasi va boshqa konstitutsiyaviyhuquqiy hujjatlarda belgilanadi. Saylov turli ko'rinishda bo'ladi. Unda aholi qatnashishi yoki ularning vakillarigina ishtirok etishi mumkin. Saylov ochiq yoki yashirin ovoz berish yo'li bilan o'tkaziladi. Qaysi organ saylanayotganligiga qarab parlamentga yoki prezidentlikka Saylov parlamentning umumiy yoki bir qismi uchun Saylov o'tkazilishiga qarab yalpi yoki qisman Saylov bo'lishi mumkin. Hududiga qarab umum davlat yoki mahalliy; o'tkazilish vaqtiga qarab navbatdagi yoki muddatdan oldingi; bir partiyali, ko'p partiyali yoki partiyasiz; muqobililik asosida va nomuqobil (agar yagona nomzod ko'rsatilsa); to'g'ri yoki ko'p bosqichli; asosiy yoki qo'shimcha Saylov o'tkazilishi mumkin.

**Saylov tizimi** — saylov o'tkazish tartiblarining hamda ularni o'rnatuvchi xuquqiy normalarning majmui. Saylov tizimi davlat vakillik organlarini shakllantirish yuzasidan mavjud bulgan va fuqarolarni saylovga jalb etish, saylovlarni tashkil qilish va deputatning saylovchilar bilan uzaro munosabatlarini belgilaydigan tartibini, fuqarolarning barcha saylov huquqlarini o'z ichiga oladi. Proporsional Saylov tizimi ovoz berish natijalarini aniqlashning birmuncha murakkab tartibi bo'lib, bunda mandatlar o'z nomzodlarini vakillik organlariga qo'ygan siyosiy partiyalar va boshqa ommaviy harakatlar o'rtasida ular tomonidan olgan ovozlarning soniga mos ravishda taqsimlanadi. Proporsional Saylov tizimida katta-katta saylov okruglari tuzilib, ularda har bir partiya o'z vakillarining ro'yxatini ilgari suradi, saylovchilar esa tegishli partiyalar yoki ommaviy harakatlar tomonidan ko'rsatilgan vakillarning ruyxati uchun ovoz beradi. Ovoz berish natijalarini aniqlash uchun saylov mezoni (yoki kvota), ya'ni bir deputatlik mandatini olish uchun zarur bo'lgan ovozlar miqdori (odatda, kamida 4—5% qilib) o'rnatiladi. Bunda, shartga ko'ra, muayyan jamoat birlashmalarining nomzodlari ana shu belgilangan ovozlarni olgandan keyingina mandatlarni taqsimlashda qatnashadi. Avvalo saylovchilar bergen ovozlar miqdori deputatlik o'rinalining soniga bo'linadi. Shunda bitta mandat doirasidagi ovozlar soni ma'lum bo'ladi. Keyin har bir partiya olgan ovozlar alohida-alohida hisoblab chiqiladi. Bu miqdor deputatning bir mandati uchun zarur bo'lgan ovozlar miqdoriga bo'linadi. Shunda mazkur siyosiy partiya yoki ommaviy harakatga berilgan deputatlik o'rinalari soni kelib chiqadi. Bunday tizimda saylovchi amalda nomzod uchun emas, balki siyosiy partiya uchun ovoz beradi. Saylovchilarning ovozi belgilangan me'yor doirasida va mutanosib ravishda deputatlar mandatlari sonini keltirib



chiqaradi. Bu o'rinalar partiya rahbar organlari tomonidan partiyaviy ro'yxatning bosh qismidan joy olgan nomzodlarga beriladi.

So'nggi yillarda demokratik, tashqi dunyo uchun ochiq va raqobatbardosh yangi O'zbekistonni qurish doirasida fuqarolarning vakillik organlariga saylash hamda saylanish bo'yicha konstitutsiyaviy huquqlarini ta'minlash sohasida keng qamrovli ishlar amalga oshirildi. Demokratik huquqiy davlatning ajralmas belgisi bo'lgan umumiyligi teng, to'g'ridan-to'g'ri, yashirin ovoz berish tamoyillariga tayangan holda saylov huquqini ta'minlash, saylovlarni erkin va adolatli, ochiq hamda oshkora o'tkazishga oid huquqiy asoslarini mustahkamlashga, jumladan, zamonaviy demokratik saylov tizimini rivojlantirishga qaratilgan izchil choralar ko'rildi. Shu bilan bir qatorda, O'zbekiston saylov qonunchiligi shu davrgacha bo'lib o'tgan saylovlar davomida to'plangan milliy tajriba, ilg'or xorijiy saylov amaliyoti, shuningdek, xalqaro standartlar, fuqarolarning siyosiy ongi hamda elektoral madaniyatining o'sishi, amalga oshirilayotgan demokratik islohotlarning borishi va talablarini hisobga olgan holda jadal takomillashib bormoqda.

Shu o'rinda yangi O'zbekiston saylov qonunchiligi rivojlanishining quyidagi uch bosqichini alohida ajratib ko'rsatish mumkin.

Birinchi bosqich — alohida saylov qonunlaridan Saylov kodeksi sari:

Qonunchilikni kodifikatsiya qilish masalasi tizimli ravishda yagona me'yoriy-huquqiy hujjatlarni yaratish va amaldagi qonunchilikni chuqur hamda har tomonlama qayta ko'rib chiqish barobarida, eskirgan normativ-huquqiy hujjatlarni bekor qilish, yangi huquqiy qoidalarni ishlab chiqish va milliy huquqiy tizimni kompleks ravishda rivojlantirishni talab etadi.

Xususan, xorijiy davlatlarda saylovga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish tartibi oddiy qonunlar, konstitutsiyaviy qonunlar yoki saylov kodekslarini qabul qilish yo'li bilan tartibga solinadi. Shu bilan birga, dunyoning 30 dan ziyod mamlakatlarida saylovlarni Saylov kodeksi yordamida huquqiy tartibga solish modeli qo'llaniladi.

Yangi O'zbekiston ham saylov qonunchiligini kodifikatsiya qilish yo'lini tanladi. 2019-yilda ilgari tarqoq bo'lgan beshta saylovga oid qonun o'rniga yagona Saylov kodeksi qabul qilindi. Mazkur Kodeks mamlakatning barcha siyosiy kuchlari hamda partiyalari, fuqarolik jamiyati institutlari ishtirokida umumxalq muhokamasi asosida ishlab chiqildi. Unda YEXHT Demokratik institutlar va inson huquqlari bo'yicha byurosi hamda Yevropa Kengashining Venetsiya komissiyasi, chet ellik kuzatuvchilar, SHHT, MDH, IHT kabi bir qator xalqaro tashkilotlar missiyalarining O'zbekistonda o'tgan saylovlar bo'yicha tavsiyalari hisobga olingan. Xususan, 2016 — 2019-yillarda O'zbekistonda bo'lib o'tgan saylovlar bo'yicha YEXHT Demokratik institutlar va inson huquqlari bo'yicha byurosining 29 ta tavsiyasi O'zbekiston saylov qonunchiligidagi to'liq, sakkiztasi qisman bajarilgan, qolganlari esa, ekspertlar tomonidan o'rganilmoqda.

Ikkinci bosqich — saylov komissiyalari mustaqilligini huquqiy ta'minlash

Saylov kodeksi va mamlakatni demokratlashtirishning ikkinchi bosqichi 2021-yil fevral oyida O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga tegishli o'zgartish va qo'shimchalar kiritilishi bilan bog'liq. Shu bilan birga, quyidagi vazifalarni hal etishga alohida e'tibor berilgan.

**BIRINCHISI:** barcha fuqarolarning saylovlarda faol ishtirokini ta'minlash, ularning joylashgan yeri va vaqtinchalik yashash joylaridan qat'i nazar, saylov huquqlaridan foydalanish uchun imkon yaratish. Birinchi bor chet elda yashovchi O'zbekiston fuqarolarini, ularning diplomatik vakolatxonalarda konsullik ro'yxatidan o'tkazilishidan qat'i nazar, saylovchilar ro'yxatiga kiritish tartibi, shuningdek, chet elda istiqomat qilayotgan yoki ishlayotgan joyidagi saylovchilarning saylov qutilarida ovoz berishining huquqiy asoslari qonun bilan tasdiqlandi.

**IKKINCHISI:** Markaziy saylov komissiyasi boshchiligidagi barcha darajadagi saylov komissiyalari — barcha saylov tashkilotchilari tizimining mustaqilligini mustahkamlash demokratik saylovlarning zarur hamda eng muhim shartidir. Shu maqsadda MSK va saylov komissiyalari a'zolarining maqomi qonuniy ravishda mustahkamlandi, saylov komissiyalari nomzodlarning saylovchilar bilan uchrashuvlarini tashkil etish uchun saylov tashkilotchilari uchun xos bo'limgan vazifalar bekor qilindi; saylov komissiyalari tizimi maqbullashtirildi — tuman (shahar) Kengashlariga saylov o'tkazadigan okrug saylov komissiyalari instituti tugatildi. Maqbullashtirish natijasida 5 ming 739 ta keraksiz okrug saylov komissiyasi tugatildi, inson resurslarining katta qismi (54 mingdan ortiq kishi) ozod qilindi.

Shunday qilib, saylov komissiyalarining barcha davlat organlaridan mustaqilligini ta'minlash uchun zaruriy huquqiy sharoitlar yaratildi. Saylovlarning tashkiliy-huquqiy darjasи, ular



natijalarining qonuniyligi, asosan, saylov jarayonining barcha subyektlari tomonidan qonunchilik qoidalariga qanchalik to‘g‘ri rioya qilinishiga bog‘liqdir.

UCHINCHISI: siyosiy partiyalar uchun saylovoldi tashviqotini olib borish, jumladan, saylov kampaniyasini o‘tkazish uchun ommaviy tadbirlarni tashkil etishga oid yana-da qulay huquqiy sharoitlar yaratish. Saylovlarning demokratik, adolatli va halol o‘tishini ta’minalash bo‘yicha milliy, xorijiy hamda xalqaro tajribani chuqur o‘rganish asosida, O‘zbekistonda saylovlarning konstitutsiyaviy muddatlari dekabr oyining uchinchi o‘n kunligining birinchi yakshanbasidan oktyabr oyining uchinchi o‘n kunligining birinchi yakshanbasiga ko‘chirildi.

TO‘RTINCHISI: saylov kampaniyasi davrida davlat resurslaridan foydalanishga yo‘l qo‘ymaslik. YEXHT Demokratik institutlar va inson huquqlari bo‘yicha byurosining turli a’zo davlatlardagi saylovlarni kuzatish missiyalari o‘zlarining yakuniy hisobotlarida ustuvor tavsiyalar sifatida (masalan, 2018-yilda Gruziyada bo‘lib o‘tgan prezident saylovlari to‘g‘risida) “ma’muriy resurslardan foydalanishda suiiste’ molliklarning oldini olishga oid shikoyatlarni samarali va o‘z vaqtida ko‘rib chiqish mexanizmini yaratish” zarurligini ko‘rsatib o‘tmogda. O‘zbekistonda milliy hamda xorijiy tajriba hisobga olingan holda, davlat xizmatchilari (agar u ishonchli vakil bo‘lmasa), shuningdek, harbiy xizmatchilar, diniy tashkilotlar xodimlari va sudyalar tomonidan tashviqot ishlarini olib borishni taqiqlash qonuniy ravishda mustahkamlangan. Bu saylovlarning xolisligi, qonuniyligi va adolatlilagini ta’minalash yo‘lidagi yana bir muhim qadamdir.

Ikkinchi bosqichning eng muhim yangi qoidalaridan biri — siyosiy partiyalar to‘g‘risidagi qonunchilik hamda ularni moliyalashtirishning Saylov kodeksiga muvofiqlashtirilishi; Prezident va parlament saylovlari hamda mahalliy vakillik organlariga saylovlarning davlat tomonidan moliyalashtirish tartibi belgilanishi va saylov komissiyalari qarorlari ustidan tushgan shikoyatlarni ko‘rib chiqish vaqtining o‘n kundan besh kungacha qisqartirilishidir. Saylov qonunchiligin demokratlashtirishning ikkinchi bosqichi fuqarolarning konstitutsiyaviy saylov huquqlarini to‘liq amalga oshirishga, ularning saylovlardagi ishtirokini kengaytirishga yordam beradi va demokratik saylovlarni o‘tkazish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

Uchinchi bosqich — adolatli saylovlarning huquqiy asoslari

Yangi O‘zbekistonning zamonaliviy saylov tizimi yaratilishi ko‘p yillik evolyutsion jarayon va har tomonlama siyosiy muloqot mahsulidir. Umuman olganda, saylov qonunchiliga saylov jarayonini takomillashtirishga qaratilgan ko‘plab o‘zgartishlar kiritildi. Har bir, hattoki, kichik bir o‘zgartish kiritishda ham doim puxta ish olib borildi, o‘tgan saylov kampaniyalari tahlil qilindi hamda tahlillar asosida qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqildi. Saylov tizimi bir necha yillar davomida faol rivojlanib bordi, bu o‘zgartishlar mamlakatning siyosiy va huquqiy rivojlanishining mantiqiy davomi bo‘lib xizmat qildi.

Oliy Majlis Qonunchilik palatasining bir guruh deputatlari Saylov kodeksini saylov qonunchiligi va saylov amaliyotini yana-da takomillashtirish, uni xalqaro demokratik standartlar hamda chinakam demokratik saylovlar sohasidagi ilg‘or tajribalarga moslashtirishga qaratilgan o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida tashabbus ko‘rsatdi.

### Xulosa

Yuqorida keltirilgan m'lumotlardan xulosa qiladigan bo‘lsak, saylov bu har birimiz uchun juda katta ahamiyatga ega bo‘lgantizimdir. Har bir kishi saylovda ishtirok etar ekan o‘z hayotini belgilashga ham ulguradi. Demak, saylov har bir inson uchun juda zarur ekan.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. <https://xs.uz/uz/post/cajlov-2021-sajlov-qonunchiliginining-rivozhlanish-bosqichlari>
2. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Saylov\\_tizimi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Saylov_tizimi)
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Saylov>
4. <https://lex.uz/docs/-4386848?otherlang=1>



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли  
Ички ишлар вазирлиги Академияси  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мазкур тезисда мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг полиция тизимиға ўтказиш истиқболлари мавзуси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганд. Шунингдек, ушбу тезисда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг полиция тизимиға ўтказиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** орган, тизим, полиция, ҳокимият, механизм, дастур.

Полиция бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари сингари ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, ташкил этилиши ва фаолият юритишининг конституциявийлиги, ўзига юқлатилган мажбуриятлар бажарилишининг давлат-ҳокимият хусусиятига эгалиги, қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат мажбуров ҷораларини кўллаш имконияти, ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа таркибий қисмларига нисбатан муайян мустақиллик каби қатор хусусиятларга эга. Полиция – профессионал ва тезкор хизмат кўрсатиш, фаолиятини аҳоли билан бевосита яқин ҳамкорликда ташкил этиш, асосий вазифаси фуқароларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўлган замонавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органларининг номини полицияга ўзгартириш ушбу тузилманинг факат номини ўзгартириш, ребрендинг бўлиши керак эмас, ушбу қадам мамлакатда жамоат тартибини сақлаш бўйича асосий орган фаолиятининг моҳияти ва мазмунини чукур ўзгартиришни англатиши лозим. Полиция милиция тизимидан бир қатор жиҳатлари билан фарқланади.

Полиция жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича маҳсус профессионал орган бўлиб, унда тузилма ва ходимларнинг илмий-техник жиҳатдан қуроланиш даражасини оширишга, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, жумладан, электрон тизимлар ва технологияларни татбиқ этишга асосий эътибор қаратилади [1].

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органларининг полиция моделига ўтказишга қаратилган ислоҳот ички ишлар органларининг мураккаб ижтимоий муаммоларини бартараф этишга, шу жумладан, ходимларнинг иш ҳақи ва пенсияларини сезиларли даражада оширишни ҳам назарда тутиши лозим. Бу билан руҳан ва ахлоқан барқарор ҳамда юқори малакали полиция жамоаларини шакллантириш учун зарур асос яратилади.

Ички ишлар органларида полиция моделини жорий этиш бўйича ислоҳотлар тизимида асосий масалалардан бири бу ички ишлар органларини полиция сифатида қайта ташкил этиш ҳисобланади. Бунда қайта ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини, мулкни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлган янги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи институт ташкил этилади. Зоро, полициянинг асосий вазифаси – жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳоли билан очиқлик, ўзаро хурмат, ижтимоий ҳамкорлик принципларига асосланган самарали тизимни яратиш ҳисобланади.

Фуқароларнинг полицияга ишончи сифати полиция ва жамият ўртасидаги шериклик моделининг асосини ташкил этиб, бунда полиция ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширадар экан фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликка таянган ҳолда жамиятга хизмат қиласиди. Шериклик моделида аҳоли нафақат ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилишда бевосита қатнашади, балки полицияни ўзларига таҳдид солиши мумкин бўлган барча вазиятлар ҳақида барвакт хабардор қиласиди ҳамда шу тариқа полиция органлари фаолияти натижадорлиги таъминланади.

Полиция ва аҳоли ўртасида шундай шериклик муносабатлари шаклланиши лозимки, қонунга итоаткор фуқаро ва полиция ходими тенг ҳолатда муносабатга киришлари керак. Бироқ, бунинг учун нафақат полиция ходимларининг, балки жамиятнинг ҳам онги, дунёкараши ўзгариши лозим.

Адабиётларда таъкидланганидек, ички ишлар органларининг полиция тизими жамият ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси ва эҳтиёжларига мос келиши ҳамда



босқичма-босқич, мақсадли амалга оширилиши лозим. Бу мураккаб ва давомли жараён бўлиб, унда ички ишлар органларининг ортиқча ва ўзига хос бўлмаган функцияларини инвентаризация қилган ҳолда босқичма-босқич қисқартириш, марказий аппаратда бошқарув штатлари сонини асоссиз кўпайтиришнинг олдини олиш, бошқарув тизимидағи ислоҳотларни қонунийлик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан пухта ўргангандан ҳолда амалга ошириш, бошқарув функциясининг республика ва ҳудудлар миқёсида доимий ўрганиш ва зарур ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритиб бориш лозим [2].

Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ давлатларда, жумладан, АҚШ, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Истроил, Канада, Корея, Сингапур, Туркия, Франция, Хитой, Швеция, Япония, шунингдек, МДҲ давлатларидан – Россия Федерацияси, Қозоғистон, Арманистон, Молдовада ҳам полиция тизими жорий этилган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, полиция тизимида ўтиш ўз навбатида бутун тизимнинг ташкилий-штат тузилишини қайта кўриб чиқиши ҳамда унинг функцияларини оптималлаштиришни, ўзига хос бўлмаган функциялардан озод этишни, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиши назарда тутади.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳисобдорлиги тизими ҳам янада соддалаштирилиб, асосий эътибор аҳоли билан ишлашга қаратилади. Ички ишлар органлари фаолиятига натижага қараб баҳо бериш ва рағбатлантириш тизимида ўтказилади. Қолаверса, фаолиятга фан ва техниканинг сўнгти ютуқлари, замонавий ахборот технологиялари жорий этилади.

Полиция тизимида ўтишдан асосий мақсад – энг замонавий талабларга жавоб берадиган, вужудга келаётган янги таҳдидларга самарали қарши кураша оладиган, шунингдек фуқароларнинг умидлари ва сўровларига мос бўлган янги хуқуқни муҳофаза қилиш тизимини яратишдан иборат. Ички ишлар органлари ва жамиятнинг давлат мажбурлови устуворлигига асосланган ўзаро муносабатлари ўрнига ички ишлар органлари ва аҳолининг шериклиги, ҳамкорлигига асосланган ўзаро муносабатлар тизими жорий этилади.

Ички ишлар органлари давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг замонавий концепциясига мувофиқ ҳолда ўзгартириллади. Полиция тизими янада самарали, ишчончили, энг муҳими фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади.

Айни дамда, ички ишлар органлари нуфузини ошириш, унинг обрўйини, тизимга бўлган аҳолининг ишончини сезиларли даражада кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Полиция тизимида ўтиш шунчаки ички ишлар органларининг ташки кўринишини ўзгартириш эмас, балки инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ишчончили таъминлашдир.

Мамлакатимизда ички ишлар органларини полиция тизимида ўтказиш бир қатор устувор йўналишларда амалга ошириллади. Биринчидан, мавжуд норматив-хуқуқий хужжатлар базаси тўлиқ янгиланади. Иккинчидан, ташкилий-штат жиҳатдан ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, тезкор хизматлар ролини ошириш, ички ишлар органларига хос бўлмаган функциялардан воз кечиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга ошириллади.

Ички ишлар органлари иш услублари ўзгартириллади. Улар фаолиятига статистик кўрсаткичларга қараб баҳолаш сингари тор идоравий ёндашувдан воз кечилади. Асосий баҳо ва мезон одамларнинг розилиги, халқ баҳоси бўлади. Полиция фаолиятини ташкил этишда, биринчи навбатда, жамоатчилик фикри эътиборга олинади. Бошқача айтганда, устуворлик рақамларга эмас, хизмат сифатига, натижасига берилади.

Полиция иши усули ва шаклларини инсонпарварлаштириш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ерда хуқуқ-тартибот ва жамият ўртасидаги муносабатлар шериклик моделига асосланган ҳолда ташкил этилади. Шу жумладан, ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги, жамият олдида ҳисобдорлиги тизими такомиллаштириллади. Полиция ходимининг хуқуқий мақоми қонун даражасида мустаҳкамланиб, коррупцияга қарши стандартлар жорий этилади, ходимларнинг касбий ва ахлоқий сифатларига қўйилган талаблар янада кучайтириллади. Шунингдек, ходимлар ва пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражаси ва пул таъминоти кафолатлари янада кучайтириллади.

Айни дамда, хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили ҳам полиция тизими бўйича барча давлат учун мақбул бўлган **ягона ёндашув, модель ёки стандарт мавжуд эмаслигини** кўрсатмоқда. Аксарият хорижий давлатлар учун умумий бўлган тизим – полиция тизими куйидаги тузилмаларнинг мавжудлигини назарда тутади:

– **криминал полиция** (тергов, экспертиза бўлинмалари, жиноят-қидирав, терроризмга, кибержиноятчиликка, гиёҳвандлик моддалари ноқонуний муомаласига, уюшган



жиноятчиликка, жиноий даромадларни легаллаштириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўлинмалари, марказий диспетчерлик пункти);

– **жамоат хавфсизлиги полицияси** (жамоат тартибини сақлаш кучлари, хуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳсус операцияларни режалаштириш ва ўтказиш, полиция кучларини мувофиқлаштириш, бедарак йўқолгандарни қидиришни ташкил этиш бўлинмалари);

– **транспорт полицияси** (йўл ҳаракатини бошқариш ва назорат қилиш, лицензиялаш);

– **марказий аппарат** (ташкилий бўлинма, стратегик ва тактик-тезкор таҳдил, маслаҳатчилар гурӯҳи, котибият, юридик таъминлаш, ахборот-технологиялари, кадр, молия, хўжалик, ҳалқаро алоқалар, жамоатчилик билан алоқалар, давлат хизматларини кўрсатиш, ўз хавфсизлиги бўлинмалари);

– **полиция ҳузуридаги ташкилотлар** (Интерпол миллий бюроси, полиция учун кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасаси, тадқиқот институти, хизмат итларини тайёрлаш бўлинмаси, оркестр, госпитал).

**Қозогистон** тажрибасида Ички ишлар вазирлиги тизимида Криминал полиция департаменти, Маъмурий полиция қўмитаси, Тергов департаменти, Жиноят-ижроия тизими қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар бўйича қўмита фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишлилигига кўра Вазир ўринbosарига бўйсунади. Шунингдек, Вазирлик марказий аппарати таркибига Кадр бўйича ишлар департаменти, Штаб департаменти, Тезкор режалаштириш департаменти, Ҳужжатлар билан ишлашни таъминлаш бошқармаси, Ички хавфсизлик департаменти киритилган.

Шу билан бирга, айрим давлатларда полиция таркиби бошқа функциялар ҳам юкланган:

– давлатнинг юкори даражадаги мансабдор шахсларини қўриқлаш (Япония, Венгрия);  
– аэропортлар ва бошқа стратегик обьектларни қўриқлаш, жамоат транспортида хавфсизликни таъминлаш (Сингапур);

– миграция ва фуқаролик, жиноят статистикасини юритиш, ядрорий хавфсизликни таъминлаш (Буюк Британия);

– чегара хавфсизлиги ва иммиграция, пенитенциар полиция, экология полицияси, молия полицияси, гувоҳларни химоя қилиш (Италия);

– полиция (ички) қўшинлари, қўриқлаш, паспорт-виза (Арманистон);

– гвардия полки (қўшини) (Венгрия, Қозогистон).

Полициянинг юкори турувчи марказий органи хорижий давлатларда турлича номланади. Масалан, Японияда – Миллий полиция агентлиги, Сингапурда – Полиция кучлари (Police Force), Буюк Британия, Германия, Италия ва Арманистонда – Ички ишлар вазирлиги, Австралияда – Федерал полиция хизмати, Венгрияда – Миллий полиция бош бошқармаси деб юритилади.

Жойларда худудий полиция бўлинмалари (Италияда – комиссариат) ҳамда куйи даражада

– **полиция участкаси** (Италияда – квестура) фаолият кўрсатади. Полиция тизимида энг кичик лавозим **констебль** (Буюк Британия, Австралия, Покистон), **полициячи** (Канада) деб номланади.

Фикримизча, тўлақонли полиция тизимига ўтиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилиниши, унда бунга тайёргарлик кўриш мақсадида қўйидаги масалалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, Ички ишлар вазирлиги, ҳудудий бошқарма ва бўлимларнинг ташкилий тузилмаси полиция тизими жорий этилаётганлиги муносабати билан ўзгаради. Ички ишлар вазирлиги сақланиб қолган ҳолда унинг таркибида жиноят ишлари полиция департаменти (тергов, экспертиза бўлинмалари, жиноят-қидирув, терроризмга қарши курашиш бўлинмалари, навбатчилик қисми), жамоат хавфсизлиги полицияси департаменти (хуқуқбузарликлар профилактикаси, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аэропортларни қўриқлаш, маҳсус операцияларни мувофиқлаштириш кучлари), йўл-патруль полиция департаменти (патруль-пост хизмати, йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати), жиноят-ижроия полиция департаменти (жазони ижро этиш ва пробация хизмати), фуқаролик ва миграция полицияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги аппаратини (ташкилий бўлинма, кадр, молия, хўжалик, ҳалқаро алоқалар, жамоатчилик билан алоқалар, ўз хавфсизлиги бўлинмалари) ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ички ишлар органларининг ҳудудий бошқармалари – полиция бошқармаларига, ички ишлар органлари ходимларининг лавозимлари ҳам қайта кўриб чиқилади.



**Иккинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини оптималлаштириш, жумладан, махсус увонга эга бўлган ҳолда фуқаролик хизматини ўташ тартибини жорий этиш, шунингдек, аутсорсинг тизимини кенг жорий этиш (хўжалик, молия, ташкилий, кадр бўлинмалари ходимларининг бир қисмини аутсорсинг тизими орқали махсус ташкилотларга шартнома асосида топшириш) орқали Ички ишлар вазирлиги аппаратини ислоҳ қилиш. Бу ўз навбатида, ички ишлар органларини бошқариш самарадорлигини оширади ҳамда орттирилган маблағ эвазига ходимларни рағбатлантириш имконини беради.

Руҳан ва ахлоқан барқарор ҳамда юкори малакали полиция ходимларини шакллантириш учун ходимларнинг иш ҳақи ва пенсияларини сезиларли даражада ошириш лозим. Масалан, полиция ходими бир ойда ўртача Қозоғистон, РФда – 500, Озарбайжон, Аргентинада – 700, Грецияда – 1,3 минг, Малайзияда – 1,6 минг, ЖАРда – 1,8 минг, Францияда – 2,2 минг, Испания ва Италияда – 2,4 минг, Германияда – 4 минг, АҚШда – 4,1 минг, Гонконгда – 5,6 минг; Швейцарияда – 7,5 минг АҚШ долларига тенг ойлик олади. Шу билан бирга, ойлик иш ҳақи полиция ходимининг лавозимига қараб ортиб боради, масалан, АҚШда детектив ойига 4,1 минг АҚШ доллари микдорида ойлик олса, комиссар 10 минг АҚШ долларига яқин ойлик олади.

**Учинчидан**, патруль-пост хизмати ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати базасида янги **йўл-патруль хизматини ташкил** этиш мақсадга мувофиқ. Бунда ушбу хизматларни бирлаштириш патруллик йўналишида ҳаракатланишда тақрорланишнинг олдини олади, мазкур фаолиятга жалб этилган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш даражасини ва сифатини оширади, шунингдек, патруль томонидан аниқланган йўл хукуқбузарлиги ёки аксинча, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан аниқланган жамоат тартибини бузиш бўйича хукуқбузарликни жойида бартараф этиш имконини беради. Бу жиноятчиликнинг олдини олиш ва мамлакатдаги криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

**Тўртингчидан**, полиция жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш бўйича махсус профессионал орган бўлишига, унда фан ва техниканинг замонавий ютуклари, жумладан, электрон тизимлар ва технологиялар татбиқ этилиши асосий эътибор қаратилади. Шу боис, полиция тизимини замонавий технологиялар билан таъминлаш бўйича алоҳида бир неча йилга мўлжалланган дастур қабул қилиниши лозим бўлади.

**Бешинчидан**, полиция тизимида очиқлик, ошкоралик, шаффофлик ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш, жамоатчиликнинг ишончини қозониш ҳамда ижобий имиджни шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу борада полиция фаолиятининг очиқлиги, шаффофлигини назарда тутувчи “Очиқ полиция” концепциясини жорий этиш орқали полиция фаолиятида жамоатчилик билан шериклик моделига ўтиш зарур.

**Олтингчидан**, полиция ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш талаб этилади. Бунда полиция ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ва даврийлигини аниқлаш, баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторингини юритиш, натижаларини доимий таҳлил қилиб бориш ва шунга асосан ходимларга тегишли рағбатлантириш чораларини қўллаб бориш мақсадга мувофиқ. Айниқса, полиция тизимида раҳбар ходимларни хизматга олишда тегишли кўрсаткичларда кўринадиган аниқ натижаларга эришиш бўйича танлов ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Еттингчидан**, полиция тизимини бутун мамлакат бўйлаб бир вақтнинг ўзида жорий этиш жуда мураккаблиги, ички ишлар органлари шахсий таркибининг кўп сонли эканлиги, шунингдек, кўп маблағ ва ресурс талаб қилишини инобатга олган ҳолда мазкур тизимни эксперимент тариқасида дастлаб **Тошкент шаҳрига** татбиқ этиш ҳамда йил якунида апробация натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда ушбу тизимни бутун мамлакат миқёсида татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аврутин Ю.Е., Булавин С.П., Соловей Ю.П., Черников В.В. Комментарий к Федеральному Закону “О полиции” (поглавный). – М.: Проспект, 2012. – С.12.
2. Лидер Ф.В. К вопросу о взаимосвязи функций и структуры в управлении органами внутренних дел // Ars Administrandi. – 2010. – №2. – С.18-19.



## ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Файзиев Олим

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)

**Аннотация:** Ушбу мақолада мурожаатлар институтининг концептуал масалаларидан бири ҳисобланган жисмоний ва юридик шахсларниң давлат институтларига мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари ҳақида, уларниң муносарали жиҳатларга эга бўлган айримлари бўйича баҳс юритилган, маҳкумларниң мурожаат қилишига доир ҳуқуқий механизmlар кўриб чиқилган, мурожаат қилиш ҳуқуқини монеликсиз амалга оширилишидаги мавжуд муаммолар ва уларниң ечимлари юзасидан таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** мурожаатлар, мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқ, мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, чекловлар, маҳкумлар.

Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари мавзуси мурожаатлар институтининг концептуал масалаларидан ҳисобланади. Чунки қонунчиликда белгиланган мурожаат қилиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланмаса ёки уни кафолатлашниң механизmlарига аниқлик киритилмаса, ушбу ҳуқуқнинг реализациясида унинг туб моҳияти ўзгаради, ундан кўзланган ўта муҳим мақсадларга эришилмайди. Шу сабабли, ушбу масалани тадқиқотимизда алоҳида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Энг аввало, миллий қонунчилигимизда белгиланган мурожаат этиш ҳуқуқининг кафолатлари рўйхатига назар ташласак, улар қўйидагилардан иборат:

- давлат органларига, ташкилотларга ва уларниң мансабдор шахсларига ҳар кимниң мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади (15-модда);
  - мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилиши кафолатланади (15-модда);
  - мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилишида бошқа жисмоний ва юридик шахсларниң ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилмаслиги кафолатланади (15-модда);
  - мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги кафолатланади (16-модда);
  - мурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилиши кафолатланади (17-модда);
  - мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилиниши ва ўз муддатида кўриб чиқилиши кафолатланади (18-модда);
  - мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этилмаслиги кафолатланади (19-модда);
  - мурожаатга таалукли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмаслиги кафолатланади (19-модда);
  - жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари муносабати билан уларниң хавфсизлиги кафолатланади (20-модда).

Мақолада ушбу кафолатларниң ҳар бири юзасидан фикр билдирамасдан, уларниң муносарали жиҳатларга эга бўлган айримлари бўйича таҳлилимиизни баён этишни лозим топдик.

Одатда, маҳкумларниң мурожаатларини кўриб чиқадиган дастлабки инстанция отряд бошлиғи ҳисобланади. Агар унинг ҳаракатлари маҳкумни қаноатлантирган ёки у юзага келган масалаларни ҳал этишда ваколатли бўлмаса, маҳкум жазони ижро этиш муассасасининг ҳар қандай юқори турувчи мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли, бу билан чекланмасдан, у юқори турувчи маҳкамавий инстанцияларга шикоят бериши мумкин [1].

Демак, мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқни амалга оширишда маҳкумлар қўйидаги чекловларга дуч келади:

- 1) маҳкумларниң мурожаатлари цензурадан ўтказилади (ЖИКнинг 79-моддаси). Бундан жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларниң мурожаатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакилнинг



номига жўнатиладиган мурожаатлар мустасно;

2) маҳкумларнинг мурожаатлари кечиктириб жўнатилади ҳамда мурожаат юзасидан келиб тушган жавоб маҳкумга кечиктириб етказилади, яъни маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичida амалга оширилади (ЖИКнинг 79-моддаси). Бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, прокурор ва суд номига йўлланган мурожаатлар мустасно;

3) маҳкумларга нисбатан мурожаатлар институтида сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар татбиқ этилмайди. Жумладан, маҳкумларда электрон шаклда мурожаат қилиш имкони мавжуд эмас.

Маҳкумларнинг мурожаат қилиш хукуқини амалга оширишда бундай чекловларнинг бўлиши Конституцияга зид эмасми, деган савол юзага келади. Чунки Конституциянинг мурожаат қилиш хукуқи кафолати белгиланган

35-моддасида бу борада чекловлар бўлиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Ваҳоланки, аналогия сифатида Конституциянинг бошқа нормаларида айrim хукуқларни амалга оширишда конун билан чекловлар белгиланиши мумкинлиги назарда тутилган. Жумладан, фуқароларнинг Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш хукуқида (28-модда), фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига (29-модда) шундай чекловлар бўлиши мумкинлиги Конституцияда мустаҳкамланган.

Конституциянинг 19-моддасида белгиланган фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган хукуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишига ҳеч ким ҳақли эмаслигига доир норма орқали, биз, суд томонидан чекловлар ўрнатилиши мумкинлигини кузатишими мумкин. Шахсни озодликдан маҳрум қилиш, бошқача айтганда, унга "маҳкум" деган хукукий мақомни бериш суд томонидан (суднинг хукмiga кўра) амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, маҳкумларга мурожаат қилиш хукуқини амалга оширишда чекловларнинг жорий этилиши конституциявий нормаларга зид эмас десак, бизнингча, нотўғри бўлмайди.

Келинг энди белгиланган чекловлар адолатлими, уларнинг чегараси қандай бўлиши керак, деган саволларга жавоб изласак.

Бизнингча, белгиланган чекловлар адолатли эмас. Биринчидан, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлардан келиб тушган мурожаатларни цензурадан ўтказиши "баҳонаси" билан уч кун ушлаб туриш, ўйлаймизки, адолатдан эмас. Биз ушбу муддатни 1 кунга қисқартириш зарур деб хисоблаймиз. Иккинчидан, мурожаатлар билан ишлашда сўнгги йилларда концептуал ўзгаришлар амалга оширилган бўлса-да, маҳкумларнинг мурожаат қилиш хукуқларини амалга ошириш соҳасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Жазони ижро этиш муассасаларида мурожаатлар институти халқ таъбири билан айтганда, нимагадир ҳалигача "эски ҳаммом, эски тос" ҳолатда. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, Россия Федерациясида маҳкумларга интернет тармоғи орқали электрон мурожаат қилиш хукуқининг берилиши муносабати билан маҳкумлар томонидан бериладиган мурожаатлар сони кескин ошиши тенденцияси кузатилган [2]. Бизнингча, мамлакатимизда маҳкумлар ҳам барча фуқаролар қаторида мурожаатлар институтида сўнгги йилларда амалга оширилган енгилликлар ва кафолатларга эга бўлиши керак.

Жумладан, маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига монеликсиз мурожаат қилиш хукуқини кафолатлаш, телефон орқали қилинган мурожаатларини чегараси белгиланган телефонларда гаплашиш сонига киритмаслик, жазони ижро этиш муассасаларида шаффоф қутилар ташкил қилиш, уларнинг тегишлича вилоят Халқ қабулхонаси мудири иштирокида маълум бир муддат ичida очилиши, бундай мурожаатларнинг кўздан кечирилмаслигини назарда тутувчи нормалар киритиш, шунингдек қийноқлар, виждан эркинлиги билан боғлиқ мурожаатларини монеликсиз, кўздан кечирмасдан, тезда тегишли ташкилотлар (mansabdor шахслар)га юборилишини таъминлаш механизмлари, маҳкумларга электрон шаклда мурожаат қилиш хукуқини бериш ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига доир нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш вақти келди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилганимизда, Қозоғистон Жиноят-ижроия кодексининг "маҳкумларнинг мурожаатлари" деб номланган 14-моддасида маҳкумлар электрон шаклда мурожаат қилиши мумкинлиги, жазони ижро этиш муассасаларида маҳсус қутилар ташкил этилиши, улар ҳафтада бир маротаба фақат прокурор



иштирокида очилишига[3] доир нормалар белгиланганлигини кузатдик.

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилигимиздаги шу каби муаммо ва бўшлиқларнинг юзага келиши аслида мурожаатлар билан боғлик нормалар ягона қонунчилик хужжати билан тартибга солинмаганлигидан келиб чиқади. Чунки маҳкумларнинг мурожаатларини бериш тартиби ва шартлари жиноят-ижроия қонунчилиги билан, мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби ва шартлари эса, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинган. Биз маҳкумларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни ҳам "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қонунчиликка юкорида қайд этилган қўшимчанинг киритилиши орқали "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида мустаҳкамланган жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этиш хукуқи кафолатланишига доир норманинг реализацийсини янада муфассаллаштирган бўламиз.

Миллий қонунчиликда белгиланган яна бир муҳим кафолатлардан бири мурожаат этиш хукуқи ихтиёрий амалга оширилиши ҳисобланади. Яъни мурожаат фақат шахснинг ўзи ёки унинг қонуний вакиллари томонидан муаллифнинг ихтиёрига кўра амалга оширилади.

Амалиётда айрим ҳолларда мурожаат матни билан таништирамасдан ёки унда кўрсатилган масалани бошқача баён этиб, алдов йўли билан ўзга шахсларга ҳам имзолатиш ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан мурожаат қолдириш ҳолатлари учрамоқда. Мурожаатни қабул қилиб олган ташкилот ёки масъул шахс бундай ҳолатларни, жумладан унинг муомалага лаёқатлигини текшириш мажбурияти қонунчилик хужжатларида кўрсатилмаганлиги боис, мурожаат муаллифи муомалага лаёқатсиз деб топилганини билмай қолиши мумкин. Ваколатли давлат органи муаллифнинг муомалага лаёқатсиз деб топилганини билгандан кейин, мурожаатни ёзаётган шахс бошқа шахсларнинг ҳам исм-фамилияларини қўшиб, жамоавий мурожаат шаклида мурожаат қолдирмоқда. Давлат органлари эса бундай мурожаатни кўриб чиқишига мажбур бўлмоқда.

Шу сабабли, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг номидан фақатгина уларнинг қонуний вакиллари мурожаат қилиши мумкинлигини, муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан ёзилган ёки бундай шахслар жамоавий мурожаатнинг муаллифларидан бири бўлса мурожаатлар кўриб чиқилмаслигига доир талабларни қонунчиликда белгилаш лозим.

Миллий қонунчиликда белгиланган яна бир муҳим кафолатлардан бири – мурожаатларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилиниши ва ўз муддатида кўриб чиқилиши ҳисобланади.

Аксарият хорижий давлатларда мурожаатлар билан ишлашда бундай кафолат мавжуд эмас. Жумладан, АҚШда мурожаатларни фақат қабул қилиш мажбурий бўлиб, уларга жавоб беришда эса бундай талаб ўрнатилмаган [4]. Шу билан бирга, ушбу мамлакатда давлат томонидан мурожаатлар бўйича назорат ўрнатилмаган. Яъни, "минималистик ёндашув" мавжуд, давлат томонидан мурожаат қилиш жараёни тартибга солинмаган ёки назорат қилинмайди, бундан электрон мурожаатлар мустасно. АҚШ тажрибасидан фарқли равишда Ўзбекистон қонунчилиги берилган мурожаатнинг қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилишини кафолатлайди ва, биз, ушбу амалиётни ҳозирги босқичда мамлакатимиз учун ижобий ҳолат, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу кафолат конституциявий нормалардан келиб чиқкан талаб ҳисобланади. Конституциянинг 20-моддасига кўра, фуқаролар ўз хукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, хукуклари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Бунда эътибор қаратиш лозимки, бир шахснинг эркинлик доираси иккинчи шахснинг эркинлик доираси бошланган жойда тугайди [5]. Мазкур хукуқий кафолатни таъминлаш мақсадида қонунда мурожаат этувчига мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузмаслик, худди шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат бермаслик мажбурияти юклатилган, ўз навбатида, бундай ҳаракатлар учун белгиланган тартибда жавобгарлик юзага келиши назарда тутилган.

Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишида давлат органи, ташкилоти ва уларнинг мансабдор шахсларига била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли сарфланган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш хукуқи берилган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, ушбу кафолатни таъмин-



ловчи бошқа механизмлар ҳам қонунда аниқ белгиланганини кузатиш мумкин. Жумладан, Хитой Халқ Республикасида мурожаат муаллифи хат ёзишда ёки ташриф (шахсий қабул) давомида қонун ва қарорларга амал қилиши, давлат, жамият ёки жамоа манфаатларига ёхуд бошқа фуқароларнинг қонуний хукуқларига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва жамият тартибини сақлаши керак. [6].

Ўйлаймизки, миллий қонунчиликда ҳам хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, мурожаат этиш муносабати билан бошқа шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини бузмаслик шартлари, механизмларини янада аниқроқ белгилаш лозим.

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили уларда мурожаат этиш хукуқини амалга ошириш кафолатларида айрим ижобий жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, хорижий тажрибада мавжуд бўлган кафолатлардан бири – мурожаатларни кўриб чиқишининг тўловсиз амалга оширилиши ҳисобланади. Жумладан, “Абхазия Республикаси фуқаролари мурожаатларини кўриб чиқиши тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тўловсиз амалга оширилади[7].

Шунингдек, “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Беларусь Республикаси Қонунининг 19-моддасида мурожаатлар тўловларсиз кўриб чиқилиши мустаҳкамланган[8].

Хорижий давлатлар қонунчилигидан фарқли равиша мурожаатларни кўриб чиқиши тўловсиз амалга оширилиши назарда тутилмаган. Ўз навбатида, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликда мурожаатларни кўриб чиқсанлик учун тўлов ундирилиши ҳам белгиланмаган.

Хорижий давлатларда мавжуд ижобий тажрибани инобатга олган ҳолда, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасини қуидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний ва юридик шахслардан тўлов ундирилмайди”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир шахснинг мурожаат қилишга оид конституциявий хукуқлари кафолатлари мустаҳкам хукуқий асосга эга бўлиши лозим, айниқса, пандемия шароитида, табиий оғатлар, техноген ходисалар юз берганда, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар вазиятни рўяч қилиб, кенг ваколатларга эга бўлиб, мавжуд салбий ва фавқулодда ҳолатга қарши курашиб доирасида исталган қарорни қабул қилиши, жумладан мурожаатлар билан ишлашни вақтинча тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш хукуқларини кафолатлаш орқали мазкур институтни жорий этишдан кўзланган мақсадга эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш. Юрид. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – Б. 220.
  - Мельникова Н.А., Шишкин Д.А. Правовое регулирование процедуры рассмотрения обращений осужденных. // Вестник института: преступление, наказание, исправление. – 2016. – № 1 (33). – С. 45-50.
  - Уголовно-исполнительный кодекс Республики Казахстан. // [www.online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31577723](http://www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=31577723)
  - Фуқароларнинг мурожаатлари – ҳалқ билан мулоқотнинг ривожланишида муҳим фактор: Методик кўлланма. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2018. – Б. 30.
  - Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. / А.Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.Аҳмадشاев  
ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 102.
  - Хитой Халқ Республикасининг “Хатлар ва ташрифлар тўғрисида низом” Қонуни, 2005 йил 5 январь.
- Закон Республики Абхазия 31 декабря 2008 года № 2278-с-IV “О порядке рассмотрения обращений граждан Республики Абхазия”. // [www.presidentofabkhazia.org/upload/iblock/e0a/O-poryadke-rassmotreniya-obrashcheniy-grazhdan-Respublikni-Abkhaziya.pdf](http://www.presidentofabkhazia.org/upload/iblock/e0a/O-poryadke-rassmotreniya-obrashcheniy-grazhdan-Respublikni-Abkhaziya.pdf)
- Закон Республики Беларусь от 18 июля 2011 года № 300-З «Об обращениях граждан и юридических лиц». // [www.kodeksy-by.com/zakon\\_rb\\_ob\\_obraweniyah\\_grazhdan.htm](http://www.kodeksy-by.com/zakon_rb_ob_obraweniyah_grazhdan.htm)



## СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Эргашев Икром Абдурасолович,  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада солиқ мажбуриятларининг назарий-амалий жихатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, солиқ мажбурияти институтини қўллашнинг ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ маъмуриятчилиги, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, ахборот-коммуникация технологиялари.

Ҳар бир солиққа нисбатан солиқ мажбурияти солиқ тўловчига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ушбу солиқни тўлашни назарда тутувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан юклатилади. Шунингдек, қайд этиш лозимки, солиқлар ва йиғимлар Солиқ кодекси билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда “солиқ тўлаш бурчи” атамаси билан бирга “солиқ мажбурияти” атамасидан фаол фойдаланилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ томонидан юридик таъсир этишини таъминловчи ҳуқуқий воситалар хилма-хиллиги нұқтаи назаридан солиқ ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, фуқаролик ҳуқуки мажбуриятлари каби муайян ҳуқуқий муносабатлар тизимиға киритиш зарур эмас.

Солиқ мажбурияти солиқ қонунчилигига мувоғиқ вужудга келадиган, солиқни тўлаш билан боғлик бир-бирига боғлик муайян процессуал ҳаракатларни ўз ичига олади.

Солиқ кодексининг 19-моддасида белгиланишича, Солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

Яъни субъект юридик ёки жисмоний шахс мақомига эга бўлиши, солиқ солиш обьекти ва солиқ солишининг бошқа муҳим элементлари мавжуд бўлиши керак. Юридик шахс давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан, солиқ органида ҳисобга қўйишидан қатъи назар, солиқ муносабатлари субъектига айланади, айнан шу пайтдан бошлаб солиқ мажбурияти вужудга келади.

Шахсни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида тан олиш унинг мулкий муносабатларда иштирок этиши имконияти ва солиқ мажбурияти юзага келишини белгилайди. Хуллас, солиқ муносабатлари субъектлари солиқ ҳуқуқий муносабатларига ўз ташабbusи ва иродаси билан эмас, балки тегишли ҳуқуқ нормаларига асосан, яъни дарҳол киришади.

Солиқ тўловчи ва тўлов тўловчи зиммасига конкрет турдаги солиқ ёки тўлов тўлаш мажбурияти солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган мазкур турдаги солиқ ва тўловни тўлашни назарда тутган юридик фактлар вужудга келганидан пайтдан юкландади.

Солиқ мажбурияти юзага келиши учун солиқ мажбурияти манбаи – юридик факт талаб этилади, қонун унинг вужудга келишини бундай оқибат билан боғлайди. Солиқ мажбуриятини вужудга келтирувчи юридик фактлар сифатида ҳуқуқий ёки ҳуқуққа хилоф бўлган ҳаракатлар бўлиши мумкин. Бунда солиқ ҳуқуқий муносабатлар яратиш мақсади мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги эътиборга олинмайди.

Солиқ мажбуриятларининг манбалари сифатидада: давлат рўйхатига қўйиш ва солиқ солиш обьектиning пайдо бўлишини айтиш мумкин.

Солиқ мажбуриятларини бажариш, аввало, солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бироқ маълум бир босқичда, солиқ органлари ўзларининг солиқ маъмуриятчилиги фаолиятида асосан ҳокимият фармойишлар (императив) усулини қўллайди, диспозитив усул чекланган тусга эга. Қонунда берилган ваколатларга кўра, давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи юридик ҳокимият ваколатларига эга ва солиқ тўловчи учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди.

Кўпчилик тадқиқотчилар, солиқнинг “мажбурийлик, шахсий эвазсизлик, қайтармаслик негизида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини бегоналаштириш шакли”, “моддий неъматларни бегоналаштириш йўли билан конституциявий мулк ҳуқуқи ёки эгалик ҳуқуқини чеклаш шакли”, “оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсади” каби ва бошқа хусусиятларига эътибор билан қарашади. Назаримизда, бу белгилар ва солиқ таърифлари унинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди, айрим белгилар



эса мавжуд қонунчиликка зид.

Солиқнинг қайтармаслик белгиси, бегоналаштирилган тўлов субъектга қайтарили маслиги ва у бу тўловни тақсимлаш бўйича бирор ҳукуқقا эга бўлмаслигини англатади. Қонун нуқтаи назаридан солиқнинг қайтармаслиги ҳақида гапириш мумкин эмас, чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 104-моддасида "ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисидаги ариза, агар солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўрсатилган сумма тўланган кундан эътиборан беш йил ичидан берилиши мумкинлиги" эканлиги таъкидланган. Кодекснинг 105-моддасида ортиқча ундирилган солиқ суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисида солиқ органига ариза солиқ тўловчи томонидан ундан солиқ ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суд қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш йил ичидан берилиши мумкинлиги белгиланган.

Агар солиқ тўловчида пул маблағи бўлмаса, унда солиқ тўлаш мажбурияти йўқоладими? Солиқни олиб қўйиш ёки ундиришнинг мажбурийлиги тўғрисида ҳам гапириб бўлмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчи солиқ тўлаш мажбуриятини мустақил бажариши шарт.

Давлат солиқ хизмати солиқларни йиғиш билан шуғулланади, деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Ушбу фикр норматив хужжатлар билан белгиланмаган, уларнинг асосий фаолияти солиқ ва тўловлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва тўловлар тўғри ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказилиши) ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда бошқа йиғим ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тегишли бюджеттага тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилиниши устидан назорат килишдан иборат.

Замонавий қонунчилиқда "солиқ" сўзи кўлланадиган ёндашувдан келиб чиқиб, солиқ тушунча сифатида ҳам пул миқдорини – моддий обьектни, ҳам мулкни бегоналаштириш ва мулкдорни ўзгартириш билан боғлиқ муайян процессуал ҳаракат – пул маблағлари хусусий мулкчиликдан давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкига ўтишида ифодаланган. Шунинг учун ҳам шу ишда ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида "солиқни тўлаш" иборасини кўллаш солиқ мажбуриятини бажариш билан бевосита боғлиқ пул суммасини тўлаш ҳамда белгиланган процессуал ҳаракатларнинг бажариши англаради.

Солиқнинг моддий-ҳукуқий табиати, солиқнинг моддий мазмунига мос келадиган, факат унинг ўзига хос бўлган муайян процессуал қоидаларни такозо этади. Жумладан, солиқ мажбуриятини бажариш солиқ органлари томонидан муайян процессуал ҳаракатлар бажарилиши билан бирга юз беради. Солиқ мажбуриятини содда, куляй ва тезкор усулда бажариш учун муайян ташкилий шароитлар яратилади.

Процессуал муносабатлар моддий ҳукуқий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, "уларнинг сўнгтилардан ҳосил бўлиши тўғридан-тўғри эмас, балки ваколатли субъектларнинг маълум фаолияти орқали кузатилади". Солиқ маъмуриятчилиги муайян фаолият турни сифатида процессуал фаолият ҳисобланади.

Солиқ маъмуриятчилиги бошқарув ва ташкиллаштириш жараёни сифатида пул маблағларини сафарбар қилиш ва солиқ муносабатларини тартибга солишига қаратилган бўлиб, солиқ жараёни доирасида амалга оширилади. Солиқ мажбурияти – солиқ ҳукуқининг таркибий қисми, солиқ мажбуриятини тартибга солувчи ҳукуқий нормалар, субъектнинг солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятини мазкур тўловнинг тегишли бюджеттага ўтказиш бўйича конкрет процессуал ҳаракатларига бевосита ўзгартиради. Солиқ мажбуриятини тартибга солувчи нормалар, процессуал ҳаракатларни расмийлаштирилади.

Солиқ ҳукуқий муносабатлар субъектларининг ҳукуқ ва мажбурияларини амалга ошириш воситалари процессуал шакллар ҳисобланади. Қонун нормалари билан белгиланган процессуал шакл, қонунийликка риоя этишга, аниқ мақсадга тезкор, тартибли тарзда эришишга кўмаклашади ва муайян хулқ-атворт, ҳаракатлар тартибини ўрнатади. В.М. Горшнев ва С.В. Запольскийнинг фикрича, солиқ ҳукуқига процессуал ҳукуқнинг ўзига хос хусусиятлари хосдир. Бундан ташқари, С.В. Запольский молиявий ҳукуқни процессуал ҳукуқ соҳаси деб ҳисоблашни таклиф қиласи.

Солиқ қонунчилиги процессуал нормалар тармоғи билан қамраб олинган бўлиб, улар юқори даражада норматив тартибга солингалик билан тавсифланади. Солиқ мажбуриятини бажаришнинг ўзи солиқ ҳукуқий муносабатларнинг барча субъектлари процессуал хатти-ҳаракатлари мажмуудан иборат. Солиқ қонунчилиги шундай тарзда шаклланганки, бир норматив хужжатда мавжуд моддий ҳукуқ нормалари, солиқ ҳукуқий муносабатлар



субъектлари томонидан муайян хатти-ҳаракатларни бажариш тартиби ва қоидаларидан иборат процессуал нормалар асосида амалга оширилади.

Айрим олимлар (В.М. Горшенев, С.В. Запольский, М.В. Карасева, П.Э. Недбайло, П.М. Рабинович ва бошқалар)нинг фикрига қўшилган ҳолда, юридик жараён нафакат ваколатли органларнинг, балки бошқа ташкилотларнинг ўз хукуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдан иборат, деган фикрни илгари суриш мумкин. Солик жараёни солиқ тўловчи томонидан ўз солиқ мажбуриятларини амалга оширишига қаратилган солиқ тўловчи, солик агенти ва ваколатли давлат органларининг ҳаракатлари маълум тартибини акс эттиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкини, солиқ мажбурияти – бу солиқ қонунчилигига мувофиқ вужудга келадиган, шахс (солиқ тўловчи)нинг давлат олдидаги солиқларни тўлаш бўйича мажбурияти ҳисобланиб, унга асосан солиқ тўловчи солиқ органига рўйхатга олиниши, солиқ солиш обьектларини аниқлаши, бюджетга солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаши, солиқ ҳисботини тайёрлаши, уларни ўз вақтида тақдим этиши, бюджетта солиқлар ва йиғимларни тўлаши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Учеб.пособие. – М.: Юристъ, 2001. – 384 б.;
2. Карасева М.В. Финансовое правовотношение: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1999. – 369 б.;
3. Крохина Ю.А. Финансовое право: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – 704 б.;
4. Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. – Т.: Ташкентский Гос.юридический институт, 2003. – 416 б.;
1. 5 Раҳимова А., Ҳожиев Э. Молия хуқуқи. Дарслик. Тошкент, 2002. – 408 б.; Финансовое право: Учебник / Отв.ред. Н.И.Химичева – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 525.;
2. Ш.Билолхўжаева, Ф.Т.Хакимов. Ўзбекистон Республикасининг молия хуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т., 2012
5. Gary S. Becker. Crime and Punishment: An Economic Approach. Article. Journal of Political Economy Vol. 76, No. 2 (Mar. - Apr., 1968), pp. 169-217 (49 pages). The University of Chicago Press.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗЗ-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(1-қисм)**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

**Эълон қилиш муддати: 31.10.2021**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000